

Мустақиллик байрами муносабати билан хотин-қизлар тақдирланмоқда



Мустақиллигимизнинг 32 йиллиги муносабати билан “Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун” шиори остида ўтказилган тадбирларда фаол иштирок этган хотин-қизларга Ташаккурномалар ва эсдалик совғалар тантанали топширилди.

Шунингдек, ўзининг самарали меҳнати билан оиланинг шаклланишига, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, уларни ватанпарварлик, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, жойларда ма’навий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш ва миллий қадриятларимизни кенг тарғиб этиш борасида ибратли фаолият олиб бораётган хотин-қизлар “Вафо ва Садодат ” кўкрак нишони “Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш” медаллари билан тақдирланди.